

Саломнинг баракаси

09:18 / 24.03.2017 3417

Олмонияда яшаётган бир турк йигит ҳажга боришни ният қилиб, бошлиғи фабрика хўжайинидан бир ойга рухсат сўради.

- Аҳволни кўриб турибсан, ишни сендан бошқаси эплотмайди, рухсат йўқ, - деди хўжайин.

- Йўқ, рухсат бермасангиз бўлмайди, - дея қатъийроқ гапирди хўжайин.

- Нимага?

- Диний вазифамни адо қилишим керак.

- Илтимос, кейинроқ бор.

- Ҳажга вақт тайинланган, ишдан ҳайдасангиз ҳам, ҳақларимни бермасангиз ҳам, боришим керак.

- Муҳаммадга: «Хўжайиним Ҳанс мени жўнатмади», десанг бўлмайдимиз?

- Бўлмайди, чунки ҳаж қилиш - Аллоҳнинг буйруғи.

«Аллоҳнинг буйруғи», деган гапни эшитгач, хўжайин ўйланиб туриб деди:

- Майли, сенга рухсат бераман.

Йигит ҳажга жўнаш олдидан хайрлашгани борганида хўжайини:

- Муҳаммадга мендан салом айт, - деди.

...Йигит Мадинага борганида Равзаи саодатга бориб: «Ассолату вассаламу алайка, йа Расулуллоҳ!» дея саловот ва салом айтди, дуо, илтижолар қилди. Шунда хўжайин Ҳанснинг саломи ёдига тушди. «Расулуллоҳга йўллаган саломини айтсамми, айтмасамми, - деб ўйлади, - насроний бўлса, жоизмикан?» Кейин минг бир истиҳола билан айтишга қарор қилди: «Эй Расулуллоҳ! Менинг бир бошлиғим бор, исми Ҳанс, миллати олмон, насроний динида сизга салом юборди. Бўйнимда қарз бўлиб қолмасин, деб айтяпман, айбга буюрманг...»

Шундай қилиб, йигит бошлиғининг саломини Пайғамбаримизга (с.а.в.) етказди. Маълумки, ким Набийга салом айтса, у зот, албатта, алик оладилар. Насроний Ҳанснинг саломига алик олганлари ҳам аниқ. Шу аликнинг баракотидан унинг қалбига иймон кирди. Йигит ҳали Туркиядалик пайтидаёқ Ҳанснинг мусулмон бўлганидан хабар топди ва ўша етказган саломини бошлиғининг ҳидоятига сабабчи бўлганини англади, Аллоҳга ҳамду санолар айтди.

Бир насронийки, Пайғамбаримизга салом йўллаб, шундай улуғ неъматга ноил бўлган экан, нега биз мусулмонлар у зотга салом йўллашдан чарчайлик?!

Аллоҳдан Муҳаммад Мустафога саловот ва саломлар бўлсин!